



O'ZBEKISTON BUNINGDORI

IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 76 (629)

2022 йил 16 сентябрь, жума

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА ТУТАШГАН ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

15 сентябрь куни Самарқанддаги "Буюк ипак йўли" халқаро туристик мажмуаси Конгресс марказида Хитой Халқ Республикаси Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Узбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Раиси Си Цзиньпин шохсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул тантанали равишда саф тортиб ўтди.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари ҳам ҳозир бўлди.

Шундан сўнг Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг музокаралари бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ва стратегик шерикликнинг 10 йиллиги муносабати билан бир-бирини кутдилар.

Президентимиз Си Цзиньпинга мазкур ташриф арафасида чоп этилган, халқларимиз кўп асрлик ришталар билан боғланганини тасдиқловчи ва дастурий аҳамиятга эга "Хитой - Узбекистон муносабатларининг ёрқин келажagini биргаликда барпо этиш" сарлавҳали муаллифлик мақоласи учун чин дилдан миннатдорлик билдирди. Хитой халқи Си Цзиньпин раҳбарлигида эришаётган улкан ютуқларни қайд этиб, Хитой Коммунистик партиясининг бўлажак йигирманчи ялпи мажлиси муваффақиятли ўтишини тилади.

Хитой раҳбари, ўз навбатида, Янги Узбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида улкан натижалар бераётганини таъкидлади. Хитой Халқ Республикаси Раисининг мамлакатимизга бу галги давлат ташрифи қадимий Буюк ипак йўлининг чорраҳаси бўлган Самарқандда амалга оширилаётганида ҳам чуқур раъзи маъно бор. Бу давлатларимиз ўртасидаги алоқалар бир неча асрлик тарихга эга эканлиги ва ўзаро ишонч, ҳурматга асосланганидан далолатдир. Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур ташриф ҳамда давлатларимиз асосий ташкилотчиларидан бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бу галги саммити яқинда бўлиб ўтилган ва илк бор мана шундай нуфузли халқаро анжуманга меъдонлик қилаётган "Буюк ипак йўли" туристик мажмуасида ўтказилмоқда.

Етакчилар Узбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини атрофлича кўриб чиқдилар.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар тўғрисида давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кенгайтириш бўлаётгани қайд этилди.

Хусусан, ўтган йилда товар айирбошлаш рекорд кўрсаткичи - 8 миллиард долларга етди, жорий йил бошидан буён эса 30 фоиздан ортиқ ўсди. Охириги беш йилда Узбекистон иқтисодиётига Хитой томонидан жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ошди. Кенг қўламли иқтисодий ҳамкорлик бўйича беш йиллик дастур, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ва ижтимоий соҳада қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, бунда электрон тижоратни ривожлантириш, саноат кооперацияси бўйича, энг аввало, автомобилсозлик, "яшил" энергетика, қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма каби соҳаларда илгор лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Хитойнинг қамбағалликка қарши курашиши, ҳудудларни ривожлантириш ва профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги илгор тажрибасини ўрганиш ҳамда жорий этишни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш зарурлигини таъкидладилар. Шу мақсадда жорий йил якунига қадар Узбекистонда икки мамлакат ҳудудларининг биринчи форумини ўтказиш тақдир этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудларида Хитой компаниялари иштирокида йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Илм-фан ва маданият соҳаларида ҳам ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга ошириляпти. Таълим тизимидаги алоқалар тўғрисидаги ахборот технологиялари, кимё саноати бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Яқин истиқболда бу борадаги ҳамкорликни яна кенгайтириш зарур.

Минтақамиз тараққиёти ва транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлиги учун стратегик аҳамиятга эга "Хитой - Қирғизистон - Узбекистон" темир йўли қурилишини бошлаш тўғрисида тарихий келишувга эришилгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Гуманитар ҳамкорлик, шу жумладан, соғлиқни сақлаш, вакциналар ишлаб чиқариш, фан, таълим ва маданият соҳаларидаги қўшма дастурларни кенгайтириш масалаларида ҳам тўхталиб ўтилди.

Келгуси йилда ўзаро дўстлик ва англашувни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Узбекистон ва Хитой халқлари маданияти ҳамда санъати йиллини ўтказишга келишиб олинди. Бу борадаги тарихан қарор топган дўстлик алоқаларини илмий асосда ўрганиш ва тадқиқ этиш лозим.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Афғонистонда тинчлик жараёнига ва иқтисодий тикланишга қўмаклашиш борасидаги савб-ҳаракатларни, халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар, жумладан, "Марказий Осиё - Хитой" механизми доирасида тизимли ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Хитой етакчиси Узбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раиси сифатидаги фаолиятини, бунинг натижасида ташкилотни кенгайтириш ва халқаро нуфузини мустаҳкамлаш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинганини юксак баҳолади.

Музокаралар якунида Си Цзиньпин Узбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни жавоб ташрифи билан Хитойга боришга таклиф этди.

Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг самарали музокараларидан сўнг икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари Қўшма баёнот имзоладилар. Унда асосий келишувлар қайд этилган, ҳар томонлама стратегик шерикликнинг бугунги ҳолати ва уни мустаҳкамлаш истиқболлари акс этган.

Шунингдек, олий даражадаги ташриф доирасида 15 та ҳужжат имзоланди. Шу жумладан: - "Яшил" тараққиёт соҳасидаги инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

- Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида меморандум;

- Фойдали қазилмаларни ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

- Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

- Қурилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

- 2022-2025 йилларда маданий алмашинув дастури;

- Миллий ахборот агентликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

- Самарқанд вилояти ва Шаньдун провинцияси ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим;

- Тошкент вилояти ва Чунцин мегаполиси ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим;

- Бухоро вилояти ва Юньнань провинцияси ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим;

- Бухоро ва Куньмин шаҳарлари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим.

Шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликка доир умумий қиймати 15 миллиард долларлик келишувларга эришилди ва битимлар имзоланди.

Шундан сўнг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга Узбекистон Республикасининг олий давлат мукофоти - "Олий Даражали Дўстлик" орденини тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Узбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу мукофотни топширар экан, Хитой Раиси халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари, ишонч ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга улкан ҳисса қўшганини қайд этди.

Биргаликдаги савб-ҳаракатлар ва Хитой етакчисининг алоҳида эътибори тўғрисида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мисли қўрилмаган юксак даражага чиққани, мукамал ва жадал тус олгани таъкидланди. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликка оид кенг қўламли дастур ва лойиҳалар фаол амалга оширилаётгани эътироф этилди.

Си Цзиньпиннинг Узбекистон Республикасининг олий мукофоти билан тақдирланиши унга халқаро миқёсдаги давлат ва сиёсат арбоби сифатида чуқур ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Хитой Раиси "Олий Даражали Дўстлик" орденига сазовор бўлган биринчи хорижий давлат раҳбари бўлди.

Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин сермахсул музокаралардан сўнг Самарқанддаги "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази боғида биргаликда дарахт экидилар.

Бу дўст мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга муштарак интилишларнинг навбатдаги рамзи бўлди.

Умуман, Хитой Халқ Республикаси Раисининг мамлакатимизга бу галги ташрифи Хитой ва Узбекистоннинг қадимий Буюк ипак йўли орқали боғланган дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини янги "Буюк ипак йўли" мажмуасида янада мустаҳкамлаш, ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Хитой Раиси 16 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Галиб ҲАСАНОВ, Ўза махсу мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 15 сентябрь куни ташриф билан мамлакатимизга келди.

Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни мамлакатимиз Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Шу куннинг ўзида икки давлат етакчилари ўртасида олий даражадаги музокара бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари икки томонлама муносабатни мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий кутлаб, унинг Самарқанд саммитида иштирок этаётганидан мамнулигини изҳор этди.

Владимир Путин, ўз навбатида, Шавкат Мирзиёевга ҳар доимгидек самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик турли даражада жадал ва самарали ривожланиб бораётганини юксак баҳолади.

Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон - Россия шериклиги мисли қўрилмаган юқори даражага кўтарилгани эътироф этилди.

Дарҳақиқат, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқа кенгайиб бормоқда. Биргаликдаги савб-ҳаракат натижасида товар айирбошлаш миқдори икки баробардан зиёд кўпайди. Ўтган етти ойнинг ўзида савдо айланмаси 30 фоиздан кўпроқ ўсди. Эътиборлиси, икки томонлама

савдо ҳажмининг 70 фоизини юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ташкил қилади.

Саноат кооперацияси жадал ривожланмоқда. Кейинги йилларда кон-металлургия, ёқилги-энергетика, кимё, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда 100 дан зиёд қўшма лойиҳа йўлга қўйилди.

Мулоқот чоғида томонлар, энг аввало, электроника, фармацевтика, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида индустриал-технологик шерикликни ривожлантириш бўйича комплекс ҳаракатлар режасини қабул қилишга келишиб олдилар.

2-бет

САМАРҚАНД САММИТИ ОЛДИДАН САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 сентябрь куни Самарқанддаги "Буюк ипак йўли" халқаро туристик мажмуаси - Конгресс марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан учрашувлар ўтказди.

2-бет

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган 15 сентябрь куни Самарқандга келди.

Аэропортда уни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Хизр мажмуасидаги Ислон Каримов мақбарасига келиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди ва қабрига гул қўйди.

Туркия етакчисининг ташрифи дастурида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида фахрий меҳмон сифатида иштирок этиш ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

Ўза.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШҲТ САММИТИГА КЕЛДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиш учун 15 сентябрь куни мамлакатимизга келди.

Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Сўнг Қозоғистон Президенти Ҳазрати Хизр мажмуасида Биринчи Президентимиз Ислон Каримов қабрига гул қўйди.

Ўза.

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ САМАРҚАНДГА КЕЛДИ

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модри Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Самарқандга келди.

Аэропортда олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ҳиндистон Бош вазири Ўзбекистон Президенти билан учрашув ўтказди. Унда икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинади.

Ўза.

МУШТАРАК ИНТИЛИШЛАР РАМЗИ

Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити давом этмоқда. Аввал хабар қилинганидек, ШҲТда иштирок этаётган барча мамлакатларнинг етакчилари Ўзбекистонга келди.



Сурат president.uz сайтидан олинди.

Икки томонлама учрашув ва музокаралар якунлангач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Эрон Ислон Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев "Буюк ипак йўли" халқаро туризм марказида дарахтлар экиди.

Шарқ халқлари қадриятига кўра, дарахт экиш - хайрли иш. Мамлакатларимиз етакчилари биргаликда эккан дарахтлар ҳам

ШҲТ давлатларининг дўстлиги, яхши кўшилиги, тараққиёт ва раванқ сари муштарак интилишлари рамзидир.

Давлат раҳбарлари шундан сўнг биргаликда "Буюк ипак йўли"

халқаро туризм марказидаги "Бокий шаҳар" мажмуасига борди. Ушбу мажмуада қадимий шаҳарларимиз қиёфаси, миллий аъналаримиз билан бирга, дўст

чи ҳам акс эттирилган. Хусусан, Афросиёб ёдгорлиги деворларида сақланиб қолган Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган.

Бундай маъно-мазмун, тарих ва бугунги кун уйғунлиги меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар етакчиларининг ташрифи шарафига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан расмий қабул маросими ўтказилди.

Давлат раҳбарлари ўртасида самимий мулоқот бўлди. Улар Самарқанд саммити юксак савияда ўтаётгани, бугун икки томонлама учрашувларда муҳим келишувларга эришилганини қайд этдилар.

Саҳнадаги куй-қўшиқларда ўзаро ҳурмат ва дўстлик, тинчлик, меҳр-муҳаббат каби умумбашарий қадриятлар тараннум этилди.

Ўза.

САМАРҚАНД САММИТИ ОЛДИДАН САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

1-бет

Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шарифни юртимизга ташрифи билан самимий қутлаб, Самарқанддаги ШХТ саммитида иштирок этаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Шаҳбоз Шариф самимий қабул ҳамда Покистондаги сув тошқинларидан жабрланганларга кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами учун Ўзбекистонга ташаккур изҳор этди. Покистон Ислом Республикаси мамлакатимиз билан кўп қиррали стратегик шерикликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Етакчилар икки томонлама, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-транзит соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини батафсил кўриб чиқди.

Ўзаро савдо кўрсаткичлари ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йили улар 47 фоизга, жорий йил бошидан яна 10 фоизга ошди. Қўшма корхоналар сони 200 тага етди.

Транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Трансафғон темир йўли лойиҳасини тезлаштириш, савдо учун тўсиқларни бартараф этиш, товарларни ўзаро етказиб бериш учун қулай шароитлар яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Халқор ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди. Учрашув очик, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни қадим Самарқандга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон қадриятлари ва маънавий-маданий мероси муштарак бўлган биродар озарбайжон халқи билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини қадрлашини таъкидлади.

Озарбайжон етакчиси, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарига тақдир ва самимий қабул учун миннатдорлик билдирди, стратегик шериклик муносабатлари мисли қурилмаган юксак даражага чиққанини қайд этди.

Жорий йил стратегик шерикликни мустаҳкамлашда тарихий давр бўлгани мамнуният билан таъкидланди. Июнь ойида Озарбайжон Президентининг давлат ташрифи якунлари барча даражалардаги мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилди ва амалий ҳамкорликка янги сурат бағишлади.

Парламентлараро ҳамкорлик ривожланаётгани, савдо ҳамда ошаётгани, энергетика, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ва ипакчиликда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани юқори баҳоланди.

Президентлар маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Август ойи охирида икки мамлакатнинг маданият ва фан арбоблари Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг юксак давлат мукофотларига сазовор бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон – Озарбайжон стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг асосий вазифалари батафсил кўриб чиқилди, бу борадаги келгуси вазифалар белгилаб олинди. Бўлажак тадбирлар режаси, шу жумладан, Самарқандда ўтадиган Туркий давлатлар ташкилоти саммити кун тартиби келишиб олинди.

Ўзбекистон – Тожикистон муносабатлари юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги мулоқотлар мунтазамлик касб этган.

Сўхбат аввалида Тожикистон етакчиси Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги раислигини юқори баҳолади ва Президентимиз раҳбарлигида Самарқандда рўй берган улкан янгилашниларни алоҳида қайд этди.

Самарқанд саммити якунлари ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ташкилотнинг халқаро нуфузини юксалтириши шубҳасиз экани таъкидланди.

Президентлар биродар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшничлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил кенгайиб, мустаҳкамланаётганини мамнуният билан қайд этишди.

Жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 16 фоизга ошди. Иқтисодий турли тармоқларида, шу жумладан, электротехника, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда қўшма кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва бутун минтақа манфаатларига жавоб берувчи лойиҳа – Яван ГЭСни барпо этиш ишлари бошлангани муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашишди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко учрашув аввалида Президентимизга ШХТ саммитига тақдир учун ташаккур изҳор этди ҳамда Беларусь Республикасини ушбу нуфузли халқаро тузилмага қабул қилиш жараёнини бошлаш масаласини қўллаб-қувватлагани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Икки томонлама кун тартибидеги долзарб масалалар, кўп қиррали амалий шерикликни изчил кенгайтириш, халқаро ва минтақавий сивасат юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон – Беларусь муносабатлари дўстлик ва шериклик руҳида муваффақиятли ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик фаоллашган. Товар айирбошлаш ўтган йили 44 фоизга, жорий йилнинг етти ойида эса яна 12 фоизга ошди.

Томонлар икки мамлакатда савдо уйлари ва логистика марказлари тармоғини кенгайтириш, озиқ-овқатни тезлаштирилган тарзда етказиб бериш бўйича “Агроэкспресс” лойиҳасини ишга ту-

шириш, товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаштириш бўйича электрон тизимни жорий қилишга келишиб олди.

Ўзбекистон ва Беларусь етакчилари машинасозлик, агросаноат, кимё, фармацевтика ва электротехника тармоқларида саноат кооперацияси бўйича ўзаро манфаатли шерикликни илгари суриш зарурлигини қайд этишди. Мамлакатларимиз ҳудудларининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда иккинчи Худудлараро форумни ўтказишни тақдир этди.

Томонлар маданий-гуманитар йўналишда, биринчи навбатда, таълим ва кинематография соҳаларидаги ҳамкорлик фаол ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлашди.

Туркменистон Президенти биродар Ўзбекистонда унга кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг саломини етказди.

Олий мартабали меҳмон Самарқандда Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини алоҳида эътироф этди.

Президентлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги аънавий яқин дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатлари кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтарилгани, аниқ амалий мазмун билан бойганини мамнуният билан таъкидлади.

Товар айирбошлаш ҳамда барқарор ошиб бораётгани, жумладан, йил бошидан 10 фоизга ортгани кўрсатиб ўтилди. Логистика, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида қўшма кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Худудлар ҳамкорлиги ҳамда маданий-гуманитар алмашинув кенгайиб бормоқда.

Қирғиз Республикаси раҳбари мамлакатимиз етакчисига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди, Самарқандда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини юқори баҳолади.

Президентлар стратегик шериклик тамойилларига асосланган сермахсул икки томонлама ҳамкорлик ижобий суръат билан ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади. Ўзаро савдо жадал ўсиб бормоқда, йил бошидан унинг ҳажми 30 фоизга ошди.

Саноат, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт соҳаларида қўшма кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Худудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Бутун Марказий Осиё минтақасининг ривожига хизмат қиладиган “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли ва Қамбарота-1 ГЭСи қурилишини тез фурсатда бошлаш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий даражадаги мулоқотлар режаси, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

МУНОСАБАТ

Саммит ишига муваффақият тилаймиз



Чидем ТУРКЙИЛМАЗ, Мирзо Улугбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд саммити арафасида “Ўзаро боглиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласининг эълон қилиниши барчамиз учун қизиқарли чиқиш бўлди. Давлат раҳбарининг фикрларида халқаро ҳамжамият диққат-марказида турган ушбу анжуманининг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам сиёсий-мафқуравий жиҳатдан қанчалик аҳамиятли эканлигига алоҳида урғу берилган.

Эътиборга олиниши керак бўлган муҳим жиҳат бу – саммитга меъзолик қилувчи давлат раҳбарининг анжуман олдида ана шундай мақола билан чиқиши камдан-кам учрайдиган ҳолатдир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақолада билдирган фикр-мулоҳазалари ва ташаббуслари мамлакатнинг ушбу анжуманга қанчалик эътиборли ҳамда ундан кутилаётган натижаларга жиддий муносабатда эканлигининг яққол ифодасидир.

Саммитнинг айнан Самарқанд шаҳрида ўтаётгани ҳам бизга ўзгача қувонч бағишламоқда. Президент ўз мақоласида “Самарқанд руҳи” иборасини ишлатиб, азалдан тинчлик, тотувлик ва ҳамкорлик масканларидан ҳисобланган Самарқанд бугун халқаро аҳамиятга эга ушбу анжуманга меъзолик қилар экан, ҳеч шубҳасиз, аънавага мос ҳолда ушбу саммитда ҳам минтақавий ва халқаро миқёсдаги ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий тусдаги муаммолар ечимига доир гуманистик ва демократик ғоялар билан бойитилган тақдир ва хулосалар асосида келишувларга эришишга ишонч билдирди ўтган.

Президент саммитнинг аҳамияти ҳақида тўхталар экан, дунёнинг бугунги глобал манзарасида давлатлар ўртасида ҳамкорлик, дўстона мулоқот ва ўзаро келишув инсоният истиқболини белгилаб берувчи ва ҳал қилувчи омили эканлигини таъкидлади. Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзолиги эса ушбу ташкилотнинг ҳеч бир халқий ёки сиёсий мақсадлардан, у ёки бу харбий блоклар тузилишидан ҳоли бўлган, аксинча, халқаро миқёсда барқарор тараққиёт йўлида ўзаро дўстона муносабат, тенглик асосидаги ҳамкорлик ва алоқаларни мустаҳкамлашга йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Бутун дунё тараққиқий парвар кучлари ва Ўзбекистон халқи қаторида Мирзо Улугбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти жамоаси ҳам бугунги саммит ишига муваффақият тилайди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

1-бет

Мазкур ташриф доирасида машинасозлик, кимё, нефть-кимё ва геология соҳалари бўйича 4,6 миллиард долларлик янги инвестиция битими имзоланиши қайд этилди.

Таъкидлаш жоиз, ҳамкорликни кенгайтиришда худудлар ўртасида ўрнатилган тўғридан-тўғри алоқа муҳим ўрин тутди. Биринчи ярим йилликда 50 га яқин ўзаро ташрифлар уюштирилди.

Томонлар мамлакатимиз шаҳар ва туманларида қўшма саноат парклари барпо этиш, жорий йил октябрь ойида Ўзбекистон ва Россия худудларининг навбатдаги форумини ўтказишга келишиб олдилар.

Шунингдек, Президентлар тадбирларга бой ва кенг қўламли маданий-гуманитар ҳамкорликни юксак баҳоладилар.

Россия олий таълим муассасаларининг хориждаги филиаллари сони бўйича Ўзбекистон

етакчи ўринни эгаллайди. Сўнгги тўрт йилда юртимизда ушбу мамлакатнинг 12 та нуфузли олийгоҳи филиали очилди ва республикамиздаги РФ олий ўқув юртлири сони 15 тага етди.

Туризм соҳасидаги алоқа ҳам фаол ривожланмоқда. Жорий йил Россиядан Ўзбекистонга келган сайёҳлар сони пандемиядан олдинги кўрсаткичдан сезиларли даражада ошди.

Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Самимий ва дўстона ўтган учрашув якунида ҳар икки томон Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатини янада мустаҳкамлаш борасидаги интилиш қатъий эканини яна бир бор таъкидлади.

Самарқанддаги самарали музокара якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Владимир Путин томонидан Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида

кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларацияни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга қаратилган мазкур декларация давлатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги ривожига янги bosқич бошланганидан дарак беради. Ҳужжатда ўзаро алоқаларга алоҳида эътиборга молик яқин ва самарали шериклик сифатида қаралиши қайд этилган.

Хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, атом энергетикаси, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни аниқ йўналишлар асосида ривожлантириш кўзда тутилган.

Умуман, Ўзбекистон – Россия муносабатининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 350 дан зиёд ҳужжат ташкил қилади.

Мулоқот доирасида Шавкат Мирзиёевни мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматла-

ри учун Россиянинг Александр Невский ордени билан мукофотлаш маросими ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарини мазкур орден билан тақдирлаш тўғрисидаги фармон жорий йил июль ойида қабул қилинган эди.

Президентимиз орденни қабул қилар экан, ушбу мукофотни, биринчи навбатда, бутун Ўзбекистон халқининг ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун эътироф сифатида қабул қилишини таъкидлади.

Қайд этиш жоиз, Александр Невский ордени Россия Федерацияси билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўмаклашишда хизмат кўрсатган атоқли хорижий сиёсат ва жамоат арбобларига тақдим этилади.

16 сентябрь куни Россия Президенти Владимир Путин Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммитида иштирок этди.

Ў.А.

САМАРҚАНД ДУНЁ НИГОҲИДА

Ислом ИБОДУЛЛА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити арафасида худуд том маънода ўзининг янги баҳорини яшайди. Азим кентда кенг қўламли қурилиш ишлари олиб борилди. Жумладан, амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида йўлларни таъмирлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, кўп қатновли кўчалардаги чорраҳаларни тартибга солиш бўйича замонавий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Нуфузли тадбирга тайёргарлик доирасида автомобиль йўлларида фойдаланиш ва йўл-инфратузилмасини яхшилаш мақсадида вилоятдаги 110 километр автомобиль йўлларида янгидан асфальт ётқизилди. Бунинг учун 327,4 минг тонна асфальт қоришмаси ишлаб чиқарилиб, жаҳон стандартлари асосида устки қатлам ётқизиш ишлари бажарилди.

– Саммит ўтказиладиган объектларга олиб борувчи йўللарга 184 минг тонна асфальт қопламаси ётқизилди, – деди Самарқанд вилояти автомобиль йўлларида фойдаланиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Ғофир Қорабоев. – Шунингдек, ушбу йўллар

ёқасида 178,3 километр пиедалар ва велосипед йўлаклари қурилди, 4300 дан ортиқ тунги ёритиш чироқлари, 3050 донна йўл белгилари ҳамда 671 донна светофор ўрнатилди, эскилари янгиланди. Йўл ёқаларини кўккаламзорлаштириш мақсадида 113 мингдан ортиқ манзарали дарахт ва бутта кўчатлари экилди.

Бундан ташқари, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шаҳардаги 31 километр ички кўчаларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жумладан, шаҳарнинг Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесиммасида қурилган туннель шаклидаги замонавий йўл ўтказгич шулар жумласидан. Бу каби замонавий



кўринишда қуриб битказилган объектлар амалда дунё нигоҳида бўлиб турган Самарқанднинг кўрмига кўрк қўшмоқда.

2019 йилнинг сентябрь ойида бошланган қурилиш ишлари натижасида бу ерда узунлиги қарийб 1 километрга тенг бўлган замонавий йўл ўтказгич қад ростлади. Иншоотнинг туннель қисми узунлиги 120 метр, баландлиги 5,8 метр ва кенглиги 27 метрни ташкил этади. Мазкур йўл ўтказгич бир кунда 1 500 тага яқин автомобилни ўтказиш имкониятига эга. Шунингдек, йўл ўтказгичнинг Бўстонсарой кўчасидаги ҳар икки томонида ер ости пиедалар йўлаги қурилган.

Худуддаги бунёдкорлик ишлари шу билан тугагани йўқ, албатта. Самарқанд шаҳрига киришдаги асосий кўчалардан бири ҳисобланган Бўстонсарой ҳам номига мос кўринишга келтирилди. Илгари мазкур кўчанинг Сиеб канали устидан ўтувчи қисми пастиликда жойлашган эди. Қисқа вақтда у тўлиқ реконструкция қилиниб, пастанга кўчанинг ўрнида галерея шаклидаги кўприк бунёд этилди. Айтиш керакки, кўчи ёгингарчилик вақтларида кўчанинг бу қисмини сув босиб, транспорт воситалари ва пиедаларнинг ҳаракатлинишига тўсиқ бўларди. Олти ой ичида кўприкни аввалги ҳолатидан 9,20 метрга кўтардик, остига эса сув

ўтказувчанлиги олдингисидан беш баробар кўп бўлган 192 метрлик қувур ётқиздик. Янги кўприкнинг умумий узунлиги 370 метрга тенг. Унда икки йўналишда ҳам учтадан қатнов қатори, пиедалар йўлакчалари мавжуд. Шунингдек, кўприкнинг ҳар икки томонига шовқинни ушлаб қолувчи махсус декоратив панеллар ўрнатилган.

Самарқанднинг бой тарихига назар ташлайдиган бўлсак, аслида худуд ҳар қандай даврда янгилашиллар ўчоғи бўлиб келган. Илм-фан, савдо-сотиқ ва шаҳарсозлик аънавалари кўп минг-йилликларга туташ шаҳарнинг бугунги янгилашилари ҳам амалда эски силсиланинг давомидир.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ

Райхона ХУЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугунги кунда ҳар бир ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус бўлимлар фаолияти йўлга қўйилган. Бу, ўз навбатида, соҳа фаолияти адолатли тарзда юритилиши учун асос бўлади. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг 2022 йил 17 августдаги 8-сонли йиғилиш баёни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ҳам ижро учун қабул қилинди. Ушбу йиғилишда ҳудудлар, иқтисодий тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини тузиш услубиёти ва унга қарши курашиш борасида кўшимча чора-тадбирларни белгилаш ҳақида вазифалар келтирилган.

Айни пайтда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, унинг оқибатлари, уларга имкон беришни сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2022 йил 12 январдаги 81-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида вазирлиқнинг буйруғи ва "Назорат-режа"си тасдиқланган. "Назорат-режа"да белгиланган чора-тадбирлар ижроси юзасидан айни пайтда мунтазам равишда мониторинг ўтказиб келинапти.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарафидан дастурининг "Ўзбекистонда самарали, ҳисоб бериш ва шафдоф бошқарув институти" орқали коррупцияга қарши курашиш" лойиҳаси билан биргаликда



ИСО 37001:2016 коррупцияга қарши стандартдан келиб чиқиб, вазирнинг "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашишга оид идоравий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" 2022 йил 27 июндаги 181-сон буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруқ билан вазирлик тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти ҳамда алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қўриб чиқиш регламенти ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йуриқнома, Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти, Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низоми, вазирлик ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент ҳамда тизимда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низоми ҳам тасдиқланган.

Вазирлик марказий аппарати ходимлари мазкур тасдиқланган ички идоравий ҳужжатлар билан таништирилган бўлиб, келгусида ишга қабул қилинаётган ходимларни ҳам хабардор этиш ишлари йўлга қўйилган.

– 2022 йил 17 август кuni тасдиқланган 8-сон йиғилиш ижросини таъминлаш юзасидан вазирлик масъул таркиби тузилмалари томонидан муваффақият

мажбуриятлар белгилаб олинди, – деди Комплаенс-назорат ва ички аудит бўлими етакчи мутахассиси Шерали Кучкаров. – Жумладан, манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари, ишонч телефони (71 211-00-05), электрон почта (compliance.tjko@gmail.com), телеграмм бот манзили (@tjko_antikorupsiya_bot) ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаси (https://www.facebook.com/kommunal)нинг тизимли ишлари таъминланган. Шунингдек, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари ва уларни ишлаш тартиби тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайт орқали ҳам олиш имконини мавжуд. Манфаатлар тўқнашуви ҳақида келиб тушган мурожаатларни қўриб чиқиш тартибининг жорий этиш, қабул қилиш, дастлабки текширувдан ўтказиш, хабарлар реестрини юритиш ва мурожаатларни рўйхатга олиш тартиби шакллантирилган.

Мутахассиснинг маълумот беришича, вазирликда манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш йўналишида давлат хизматчиларининг билимларини ошириш юзасидан тегишли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, тарғибот материалларини тарқатиш, ходимларнинг бу борадаги билимларини аниқлашга имкон беришга тест топшириқларини ишлаб чиқиш, синонв жараёнларини ўтказиш ишлари шулар жумласидан. Таҳлиллар юзасида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқ маъ-

лумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини янада кенгайтириш бўйича Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва агентликка таклифлар киритиб бориш вазифалари белгилаб олинган. Шу боис, жорий йилнинг 29 август кuni "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига давлат бошқаруви органларининг коррупцияга қарши стандартларни жорий этиш, уларга риоя этилишини таъминлаш механизмларини белгилашни назарда тутувчи ўзгариш ва кўшимчалар киритиш юзасидан бир қатор таклифлар тақдим қилинди.

Вазирлиқнинг Инсон ресурслари билан ишлаш бошқармаси томонидан ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва ротация қилиш жараёнида ҳамда ҳар йили манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги аризани тўлдириш, реал ва потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш факти бўйича хабар бериш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Ҳозирда манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларини 7/24 режимда узлуксиз хабар бериш имконига эга техник воситалар билан жиҳозлаш чоралари қўрилди.

Булardan ташқари, вазирликда коррупция даражасини баҳолаш орқали унга мойиллиги юқори бўлган лавозим ва функциялар реестри тузилган. Реестрга киритилган йўналиш, лавозимлар, шунингдек, хавф-хатарларни минималлаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Эндикда мансабдор шахсларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан даврий равишда (ҳар чорақда) жиҳозчиликка ҳисоб бериш амалиётини ҳам жорий этиш режалаштирилди. Қолаверса, касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини оидлона баҳолаш асосида энг муносиб шахсларни давлат фуқаролиги хизматида қабул қилиш, уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия тамойилини қўллаш тартиби ҳам ишлаб чиқилмоқда.

МАҲАЛЛА ОБОД – ЮРТ ОБОД

Ислом ИБДУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Маълумки, Тошкент шаҳридаги маҳаллаларга 2 миллиард сўм ажратилиб, мазкур маблаглар ободонлаштириш ишларига йўналтирилган эди. Хусусан, жорий йил бошида Президентимизнинг Мирзо Улуғбек туманига таширфи доирасида мутасаддиларга ҳудуддаги айрим мактаблар ва 7-сон оилавий поликлиника биносини таъмирлаш бўйича кўрсатма берилган эди.

Мазкур топшириққа биноан Мирзо Улуғбек туманининг Шаҳриобод маҳалласи ҳудудда жойлашган 7-сон оилавий поликлиника биноси учун кўшимча шифохона қуриш ва мавжуд бинони мукаммал таъмирдан чиқариш ишлари олиб борилмоқда. Илгари ушбу поликлиникадаги мавжуд шарт-шароитлар нисбатан қониқарсиз эди. Эски бинонинг тор йўлакларидан навбатлар ҳосил бўлиб, бу ҳолат аҳоли оғир беморлар учун ноқулайликлар туғдирарди. Эндикда ушбу поликлиникада капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳриобод маҳалласи ҳудудда жойлашган оилавий поликлиниканинг таъмирланиши келажакда фуқароларнинг қулай tibбий хизматдан фойдаланишига хизмат қилади, – деди маҳалла раиси Одил Усмонов. – Мазкур tibбий масканга 7 та маҳалладан 40 мингдан ошмиқ аҳоли мурожаат қилади. Биргина бизнинг Шаҳриобод маҳалламизда 6 555 нафар аҳоли доимий рўйхатга олинган. Албатта, бундай ҳолатда бемор ва шифокорларнинг ўзаро муносабатларида қийинчиликлар юзага келарди.

Шаҳриобод маҳалласи Мирзо

Улуғбек туманидаги энг гавжум аҳоли масканларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳудуддаги 42 та кўп қаватли турар жойларда 2 249 та оила истиқомат қилмоқда. Маҳалладаги поликлиникага ёндош аҳоли пунктлари ҳам бириктирилган бўлиб, эски бинонинг имкониятлари мавжуд аҳоли билан ишлашга ярамас эди.

Эндикда мазкур поликлиника биносида капитал таъмирлаш ва қуриш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Айтиш керакки, поликлиникага кўшимча равишда ётиб даволаниш тавсия этилган беморлар учун кўшимча бино қуриб, фойдаланишга топширилиши амалда фуқаролар учун айни муддао бўлди. Ушбу ишот "Eit bino loyiha servis" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида "Majestic engine" МЧЖ корхонаси томонидан қурилмоқда.

Қурилиш ишларида 115 нафар ишчи-ҳодим хизмат қилмоқда, – деди қурилиш ҳудуди бошлиғи Мардон Нарқасов. – Ҳозирги кунда поликлиника биносида умумий капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, капитал таъмирга кўшимча равишда 3 қаватли 60 нафар беморга мўлжалланган шифохона биносини қуриб битказиш арафасидамиз. Айтиш керакки, шифохона биносининг қурилиши ҳудуд аҳолиси учун туҳфа бўлди. Реконструкция жараёнларида миллий қурилиш маҳсулотларидан кенг фойдаланилмоқда.

Албатта, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар фуқароларнинг маънавияти ва яшаш шароитларининг яхшиланишига хизмат қилади. Қурилиш жараёнлари эса амалда мазкур турда қурилаётган тадбирларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Янгилашларнинг маҳаллаларда давом эттирилаётгани эса юрт ободлигига хизмат қилади.

Мажмуа фойдаланишга топширилиш арафасида

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ортимизга дунё халқлари "Тангри назари тушган мамлакат" деб қарши бежиз эмас. Бундай таърифи гўзал пойтахтимизга нисбатан ҳам кўплаб айтишимиз мумкин. Бугун унинг кўркига-кўрк қўйиб турган бино ва иншоотлар қурилиши авжида. Улардан бири DREAM HAUSE замонавий турар жой мажмуаси, десак адашмаган бўлаемиз.

Шаҳар марказида, Яккасарой тумани кичик Бешёғоч кўчасида қад ростлаган мажмуанинг қурилиш ишлари поёнига етиб бормоқда. Тўртта тўққиз қаватдан ibорат биноларнинг умумий қаватлари 6800 квадрат метрни ташкил қилади. Иншоот атрофида шифохона мактаб, мактабгача таълим ташкилоти

ва дўконларнинг мавжудлиги бу ерда истиқомат қиладиганлар учун яратилган қулайликлардан биридир. Бино монолит рамка билан қопланган бўлиб, устки қисми қизил гўштдан қирилган тарзда ишланган. Яқин кунларда топширилиши режалаштирилган бинода айни пайтда фасад қисмига кўк бериш ва атроф-ҳудудда ободонлаштириш ишлари авжида. Тозаликни асраш ва ҳавонинг мусаффолигини таъминлаш мақсадида мажмуа атрофида турли даракларнинг кўпайиб эканлигини ҳам катта аҳамиятга эга.

Аҳоли саломатлигини яхшилаш мақсадида уларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш бугун долзарб масала сифатида қаралмоқда. Турар жой яқинида мавжуд қудуқдан чиқадиغان минерал суви қайта қуйиш цехи жойлашгани ҳам бу ерда истиқомат қиладиган аҳоли саломатлиги учун ўта муҳимдир.

Оқова сув тозалаш иншооти ишга тушди



Зиё СИРОҚ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бахтли яшашимиз учун кундалик турмушимиздаги шароитларнинг аҳамияти катта. Республикамазда сўнгги йилларда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлардан кўзда тутилган мақсад ҳам шу аслида.

Қувонарлиси шундаки, бу каби хайрли ишлар чекка манзилларда ҳам амалга оширилмоқда. Табиийки, бундан ҳамюртларимиз миннатдор. Қўрғонтепа туманида қуриб, фойдаланишга топширилган оқова суви тозалаш иншооти ҳам 14 минг нафардан зиёд аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилади.

– 37 млрд сўмлик лойиҳа асосида барпо бўлган ушбу иншоот бир суткада 3 минг куб оқова суви қабул қилиб, қайта ишлаш қувватига эга, –

деди "Андижон сув таъминоти" МЧЖ Қўрғонтепа тумани филиали раҳбари Қобилжон Қўчқоров. – Тумандаги мавжуд кўп қаватли уйлар ва бошқа иншоотлардаги оқова суви ушбу масканда тўпланиб, кимёвий ҳамда техник омиллар орқали 4 босқичда қайта ишланади. Ажратиб олинган оқин сув қишлоқ хўжалигида экинларни озиклантириш учун йўналтирилади.

Янги иншоотнинг фойдаланишга топширилиши 30 та янги иш ўрнининг яратилишига ҳам сабаб бўлди.

“Тошкент минтақа” МЧЖ

бошланғич баҳоסי ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

- Аукцион савдога "O'ZBEKENERGOTA MIR" aksiyadorlik jamiyatining 2022 йил 14 сентябрдаги 01-22/1893-сонли бюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, ТошГРЭС кўчаси 63-“А” уй манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
- 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 858 АСА бўлган "GA3-31105411" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоסי** – 19 571 250 сўм.
 - 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 969 АСА бўлган "GA3-31105411" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоסי** – 19 579 750 сўм.
 - "40814-3902050ПС" русумли, 40814 маркадаги махсус техника автопоғрузчик. **Бошланғич баҳоסי** – 25 436 250 сўм.
 - 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 959 АСА бўлган "DAEWOO NEXIA" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоסי** – 34 999 600 сўм.
 - 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 2920 АА бўлган "МА3-9397" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоסי** – 25 130 250 сўм.
 - 1969 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 875 АСА бўлган "МА3-54323" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоסי** – 65 124 450 сўм.
 - 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 929 АСА бўлган "Chevrolet Lasetti" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоסי** – 48 954 900 сўм.
 - 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 969 АСА бўлган "Chevrolet Damas" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоסי** – 36 213 400 сўм.
 - 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 148 АСА бўлган "Chevrolet Damas" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоסי** – 34 147 050 сўм.
 - 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 136 АСА бўлган "Chevrolet Damas"

“Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati” МЧЖ

бошланғич баҳоסי босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

- Аукцион савдога АТИБ "Ипотека-банк" Шаҳрисабз филиалининг 2022 йил 14 сентябрдаги 10-8/1899-сонли бюртманомасига асосан, Қашқадар вилояти, Шаҳрисабз тумани, "Пахтакор" МФЙ, Нушкент қишлоғи манзилида жойлашган **умумий ер майдони** – 9,7 гектардан ibорат бўлган балиқхона ер участкаси кўчмас мулк қўйилади. **Бошланғич баҳоסי** – 957 360 975,0 сўм.
- Аукцион савдо 2022 йил 19 октябр кuni электрон-онлайн платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш мuddати:** 2022 йил 17 октябр кuni соат 18.00 гача. Юқоридаги кўчмас мулк 2022 йил 19 октябр кuni сотилмаган тақдирда, **такрорий электрон-онлайн савдолар 2022 йил якунига қадар ҳар ойнинг 15 кун оралиғида 3 маротаба ўтказилади.** Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати бир иш кuni соат 18.00 гача.
- Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ийгирма) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.
- Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдосида рўйхатдан ўтиб тўлашлари шарт:** 2260 4000 2053 3172 3001 ХАТБ "DAVR BANK" МФО 01121 СТИР 308 112 732.
- Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй. **Телефон/факс:** 71-237-23-86.

ТУГИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Сентябрь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

- "Шаҳарсозлик ҳўжжатлари экспертизаси" ДУК бош мутахассиси **Мағруп Муслимов**,
- Қорақалпоғистон Республикаси Кеғейли тумани қурилиш бўлими бош режарлари амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектор **Мирас Еремулов**, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Баҳрам Жақсқирмуратов**,
- Жиззах вилояти, Зомин тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Асильдон Ғаниев**, Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Бюртманчилар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси **Алишер Ғаниев**,
- Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қадрлар бўлими бош инспектори **Шоира Очилова**, Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Руслан Қулдашев**, ҳайдовчи **Миржаҳон Обилов**,
- Самарқанд вилояти, Иштихон тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Сирожиiddин Аннакулов**,
- Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Бахтиёр Аширов**, Органч шаҳар объектларни жойлаштириш ва бош режарларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Алишер Ходжаниязов**,
- Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режарларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Гулжаҳон Ҳамрақулов**ларини таваллуд кuni билан чин дилдан муборакбод этамиз.
- Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!**

ЯНГИ БИНОДА БОШЛАНГАН ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ



Райхона ХУЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимиз таълим муассасаларида янги ўқув йилининг бошланганига кўп вақт бўлмади. "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" шiori остидаги Мустақиллик дарсларини бу йил Тошкент архитектура-қурилиш институти янгича қиёфа билан бошлади. Ҳар йилгидан ўзгача равишда, янги бинода бошланган янги ўқув йили ўз навбатида ўқитувчи ва талабалар кайфиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатгани рост.

Тошкент архитектура-қурилиш институтига 2022/2023 ўқув йили учун 2 081 нафар талаба қабул қилинди. Шундан, кундузги таълим 1 199, сиртки таълим 389, масофавий таълим 152, иккинчи мутахассислик 175, техникум битирувчилари 166 нафарни ташкил қилади. Айни пайтда барча талабалар яратилган шароит ва имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда дарсларда фаол иштирок этмоқда.

Янги ўқув йилини янги бинода бошлаган талабаларнинг ҳис-ҳаяжони ҳам ўзгача бўлиши табиий, албатта. Шу боис, уларнинг таассуротлари билан қизиқдик.

Рухсона АБДУРАИМОВА, Мухандислик қурилиш инфраструктураси факультети 2-босқич талабаси:

– Институтимизнинг янги биноси биз оруз қилгандан ҳам зиёда қиёфада қад ростлабди. Ўзимизни худди хорражағи нуфузли университетларда ўқиётгандек ҳис қилаймиз. Ўқинишнинг биринчи кунни тўғриси, бинони томоша қилиб, кўзимиз тўмади. Айниқса, институт биносининг ташқи ва ички қисмлари бўлажак қурувчиларнинг мукамал таълим олиши учун улкан мотивация беришга

мослаб қурилгани биз талабаларни қувонтирди. Эски бинода устозларимиз баъзи амалий машғулларни тушунтириш учун қийналишар, чунки лаборатория жиҳозларининг аксарияти эски ва ярқис ҳолатга тушиб қолган эди. Махсус қурилиб, янги асбоб-ускуналар билан таъминланган лаборатория хоналарида бугун бемалол истаган тажрибамизни амалга ошириш имконига эгамиз. Яхши кайфиятда бошланган ўқув йилининг натижаси ҳам кўнглимиздагидек бўлишига ишонаман.

Чарос ХУЖАҚУЛОВА, Мухандислик қурилиш инфраструктураси факультети 2-босқич талабаси:

– Қадрдон даргоҳимиз бу йил бизни янгича қиёфада кутиб олди. Кўриб, ҳамон қувончимиз чексиз. Ҳозирда барча шароитлари мавжуд ўқув хоналарда таълим олягмиз. Ўқув хоналаридаги компьютерлар ва электрон доскаларнинг барчаси янги ва замонавий. Ўқувхоналари ҳам шимамгина экан. Утган йили ётоқхона институтдан узоқда бўлгани учун анча йўл босиб, дарсга келишга мажбур бўлар эдик. Янги бинода ҳатто ётоқхона ҳам институтни ўзидан жойлашганини кўриб, хурсанд бўлдик. Биз талабаларга шундай яхши шароит яратиб бергани учун юртбошимиздан миннатдоримиз. Келажакда етук мутахассис бўлиб, юртимиз бунёдкорлигига ўз ҳиссамизни қўшишга ваъда берамиз.

Огабек Хушбақов, Бино ва иншоотлар факультети 1-босқич талабаси:

– Касб-хўна техникумини қизил диплом билан тугатиб, ўзим оруз қилган институтга ўқишга кирдим. Архитектура соҳасига болалгимдан қизиққанман. Янги бинонинг илк талабалари бўлганимиз ҳам аслида, бизнинг омадимиздир. Ўқув хоналари, спорт заллари, ётоқхона, ошхона, кутубхона ҳам замон талабларига кўра жиҳозланган. Биз учун яратилган бу шароитдан унумли фойдаланиб, келажакда давлат стипендияларини олишнинг нияти қилаяман.

КЕЧАГИ БИТИРУВЧИ БУГУН МУТАХАССИС

Соҳиба МИРЗАКАРИМОВА,
Олмалик архитектура-қурилиш
техникуми директори.

Ёшлар юртимиз таянчи ҳисобланади. Чунки кечаги битирувчи бугун мутахассисдир. Замонавий билимлар, илгор касб-хўналар, инновацион технологиялар ва хорижий тилларни пухта эгаллаган ўғил-қизлар мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қилади. Бу борада профессионал таълим тизимида олиб борилаётган ишлар давлатимиз раҳбарининг эътиборида бўлиб, таълимни янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларига оид кўплаб қарорлар қабул қилинмоқда.

Олмалик архитектура-қурилиш техникуми Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тасарруфидан ташкил этилган. Бино қуввати 750 ўқувчи ўрнига эга бўлиб, айни пайтда 882 нафар ўқувчи таълим олмақда. Умумий ер майдони 7,17 га бўлган таълим масканимизда мавжуд 16 та касб-хўна ва барча ўқув-амалиёт хоналари 39 та бўлиб, улар керакли жиҳозлар билан таъминланган. Техникумда таълим жараёни мавжуд касб йўналишлари бўйича Қурилиш вазирлиги мутасадди ходимлари, Тошкент архитектура-қурилиш институти педагогик жамоаси ва иш берувчи корхона-ташкilotлар вакиллари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Дарс ва машғуллар тасдиқланган ўқув режалар, малака талаблари, ўқув дастурлари асосида олиб борилади.

Утган ўқув йили якунига кўра таълим муассасамизни 388 нафар ўқувчи 12 та касб йўналиши бўйича битирди. Хусусан, бино ва иншоотлар қурилиши, архитектура, уй-жой ҳужайралини бошқариш, кўчмас мулкни рўйхатга олиш, турар жой ва жамоат биноларидан фойдаланиш, сув ва канализация тизимларини монтаж қилиш, фойдаланиш ва таъмирлаш, газ тармоқларини монтаж қилиш, фойдаланиш ва таъмирлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва таъмирлаш (турлари бўйича), автомобиль йўллари, кўприклар ва аэродромлар қурилиши, технологиялар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича), автомобиль транспортига техник хизмат

кўрсатиш ва таъмирлаш, қурилиш электр тармоқлари монтажчиси, йўл қурилиш ва кўтарма транспорт машина ва жиҳозларини ишлаш (соҳалар бўйича) йўналишларида касб-хўна ўрганган ёшларимиз бугун турли ташкilotларда фаолият юритишмоқда. Аниқроғи, уларнинг 78 нафари ўз мутахассислиги бўйича, 24 нафари ўзини ўзи банд қилиш, 286 нафари эса олий таълим муассасида ўқишни давом эттириш истагини билдирган.

Битирувчи ўқувчиларни олий таълимга йўналтириш, келажакда бандлигини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасалари, жумладан, Тошкент архитектура-қурилиш институти, И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали вакиллари иштирокида учрашувлар, амалий-семинарлар ташкил этилиб келинмоқда.

Бугунги битирувчи эртага малакали мутахассис бўлиши кераклигини назарда тутадиган бўлсак, уларга эътиборни бир дақиқа бўлса ҳам сусайтирмаймиз лозим. Шу боис, таълим муассасамизда ёшларнинг муаммолари, тақдирлари, ишга эътибеги, қизиқиши ва кўникмаларини тўлиқ ўрганиб, ижобий ҳал қилиш мақсадида бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган. Масалан, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш инфратузилмасига мувофиқ, касб ва мутахассисликларга бўлган эътибежини ўрганиш йўлга қўйилган. Бунда ўқув йили давомида таълим муассасаси билан иш берувчи корхона ҳамда ташкilotлар ўртасидаги ҳамкорлик шартномаларига асосан, ишлаш истагини билдирган ўқувчилар ўзлари амалиёт ўтаган корхона ва ташкilotларда иш билан таъминланиши кутилмоқда.

Бугунги кунда Олмалик архитектура-қурилиш техникуми Давлат кўрастлар палатаси Тошкент вилояти бошқармаси, Тошкент вилояти "Сув таъминоти", "Олмалик шаҳар газ" таъминоти бўлими, Олмалик шаҳар "Исқиклик маъбаи" МЧЖ, Олмалик шаҳар "Электр таъминоти" корхонаси, Оҳангарон тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси, "Qurama Power Invest" МЧЖ, "Sarvar Build Center" МЧЖ, "Firdavs Invest Building" МЧЖ, "Uy-joy Egalari Zarnur" МЧЖ, "Hayot Avto School" МЧЖ, "TIA-Jahon" МЧЖ каби бир қатор йирик корхоналар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Булardan ташқари, техникумимизда ўқувчиларни дуал таълим дастурлари асосида ўқишга жалб этиш бўйича 2021-2022 ўқув йилида касбга йўналтириш ишлари ҳам ташкил этилган. Дуал таълим бўйича ўтган ўқув йилида Олмалик архитектура-қурилиш техникумига таълимнинг дуал шаклининг 5-даражасидаги "Бино ва иншоотлар қурилиши" йўналишига 13 нафар ўқувчи ўқиш истагини билдириб онлайн ҳужжат топширган. Танланган йўналишда шакллантирилган гуруҳ ўқувчилари билан "TIA-Jahon" МЧЖ, "Sarvar Build Center" МЧЖ, "Zarnur" МЧЖ ҳамда Оҳангарон йўл қурилиш унитар корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Дуал таълим мавжуд бўлган ташкilot ва таълим муассасасида таълим жараёнини ташкил этиш юзасидан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда келишилган ўқув режа ва ўқув жараёни графига асосан, ўқувчилар камида икки кун профессионал таълим муассасаларидаги ўқув жараёнида иштирок этиши ва қолган иш кунларида тегишли ташкilotларда амалий машғуллар билан бирга меҳнат фаолияти олиб бориши белгиланган. Дуал таълимни такомиллаштириш ва методик таъминотини мустаҳкамлаш юзасидан илгор халқаро тажрибаларни тизимли ўрганиш ишлари ҳам ташкил этилган.

Олмалик архитектура-қурилиш техникумида "Sarvar Build Center" МЧЖ билан ҳамкорликда қуруқ аралашма цехи ҳамда "Firdavs Invest Building" МЧЖ билан акфа-ромлар ишлаб чиқариш, ўқитилаётган касблар кесимида малакани баҳолаш маркази фаолиятини йўлга қўйиш, ҳаёт давомида таълим олиш принципи асосан турли ёшдаги фуқароларни қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитиш ишларини олиб бориш, меҳнат натижадорлигига қараб педагог кадрларга устамалар белгилаш каби келгусида ҳам бир қатор вазибалар режалаштирилган.

2022/2023 ўқув йилида тасдиқланган режага асосан, 10 та йўналишда ўқувчилар қабули ташкил этилди. Айни пайтда барча йўналишлар бўйича белгиланган режага мувофиқ онлайн ҳужжат топширганлар 114 фозиани ташкил этмоқда.

Уйлаймизки, янги ўқув йилида ҳам яна юзлаб ёшлар юртимиз тараққиёти ва бунёдкорлигига ҳисса қўша оладиган мутахассислар бўлиб етишадилар.

КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР БУГУНДАН ҚЎЙИЛАДИ

Жаҳонгир НОСИРОВ,

Тошкент шаҳрининг Олмасор туманидаги
"Чилтўғон" МФЙ
Ёшлар етакчиси.

Луқмони Ҳакимдан:

– Нега ҳадеб ўғлинг насиҳат қилаверасан? – деб сўрашди.

У эса шундай деди:

– Кексаларнинг насиҳатлари ёшлар учун боғбон ниҳолни парварош қилгани каби. Боғбон ниҳолнинг номуносив шохларини бутаб туради, ён-атрофда фойдасиз гиёҳларнинг ўсиб чиқишига йўл қўймайди. Унинг яхши ўсиши учун бутун кучини сарфлайди. Ниҳол эса бақувват бўлиб ўсади, ширин-шакор мева қилади. Борди-ю ортиқча шохлари кесиб турилмаса, ниҳол тез ўсиб етилса-да, яхши ҳосил бермайди, боғбонга эса ундан фойда кам бўлади. Демак, билгинки, бола ҳам ниҳолнинг ўзидир. Агар у тарбия қилинмаса, ёмон феълларга мубало бўлади ва фалокат хашаклари ўртасида сўлиб ётади.

Ота-онанинг вазифаси фақат фарзандларни дунёга келтиришдан иборат эмас. Улар ўз фарзандларини ақли, онгли, жисмонан соғлом, жамиятга, Ватанга фойдали инсонлар бўлиб етишишлари учун қайғуриши керак. Боланинг табиати, хулқ-атвори оиладаги шароитга қараб шаклланади. Фарзанд барча маънавий бойлик, дунёқараш ва ахлоқ-одобни ўз оиласида ўрганади. Қўш ясида кўрганни қилади, деймиш. Оиласида тотувлик, иноқлик кўрмай, фақат жанжал, тўполоннинг гувоҳи бўлган, яхши тарбия ўрнига, сўкиш, ҳақорат эшитган болалардан одобли инсон чиқишини қўйиб бефойда.

Шу ўринда Ҳазрати Юсуф Таваслийнинг бир ҳикоясини келтириб ўтмоқчиман. Уч-тўрт ёшли бир бола қўшинининг тухумини ўғирлаб, онасига олиб келиб беради. Ҳаром-ҳалолни билмаган жойил она тухумни ўғлиннинг қўлидан олиб, унга:

– Менинг ақли ўғлим, сенга офарин, – деб пешонасидан ўтади.

Бола шу кундан бошлаб ҳар кун, куноралаб қўшинининг уйдан тухум ўғирлаб чиқади. Бола ёшига қараб ўғирлигини давом эттиради. Тухумдан товуққа, товуқдан яна каттароқ нарсага ўтиб, ашаддий қаззоб, ўғрига айланади. Ўғирлик билан юриб, бир кун жуда қабиҳ жиноят устида қўлга олинади. Қонун уни ўлим жазосига маҳкум этади.

Ўғлиннинг ўлимга маҳкум этилганини эшитиб, она маҳкамга боради ва фарёд қила бошлади. "Мени бу ҳаётда шу ўғлимдан бошқа ҳеч кимим йўқ, унга омонлик беринг, уни ҳибсдан озод этинг", деб ёлворади.

Ҳукми ижро этишдан олдин йигитдан сўрадилар:

– Сенинг охириг истагинг борми?

Маҳкум бундай деди:

– Бир кичик тилагим бор. Севимли онажонимнинг муборак тилларини ўпишни истаймман, шул истагимни қондирсангиз.

Ўғлиннинг истагига кўра муштипар она ўғлиннинг олдига келиб тиз чўкиб:



– Суоқли ўғлим, сўнги марта тилимни ўпганингни мен бир кўрай, – дебди.

Ўғри йигит онасининг тилини тишлаб, уни қайчида кесгандай узиб олибди. Шу ерда тўпланганлар: "Бу бола бунча қаттол бўлмаса, шунча оғир жиноятларини қилгани етмагандай, онасининг тилини ҳам узиб олди-я!", деб ҳайратланишди.

Ўлимга маҳкум бўлган йигит эса тўпланганларга қарата:

– Эй инсонлар! Билиб-билмай бекорга ажабланманг. Менинг ҳозир ўлимга маҳкум бўлишимга сабаб онамнинг тилидир. Мен болалгимда кўнги оммизиникидан тухум ўғирлаб келганимда, онам мени оғиринлар айтиб, пешонамдан ўпган эди. Агар ўшанда онам мени тарбия қилиб, ўғирликдан қайтарганида, бугун ўлим жазосига маҳкум бўлмадим, – дебди.

Бу ҳикоятда бола тарбияси улғу иш экани баён этилган. Хулоса шуки, ота-оналар ўз болаларини ҳар бир хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб, қайси иш фойдали, қайси бири зарарли эканини тушунириб боришлари лозим. Айниқса, бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этар эканми, фарзандларимизнинг ҳуқуқий тарбиясига ҳам катта эътибор беришимиз керак. Чунки қонун-қоида яхши билмаган гўр усмирлар жиноят кўчасига кириб қолиши ҳеч гап эмас.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун эса жойларда маҳалла фуқаролар йиғинлари, мактаб, ма-

бориялти. Ёшлар етакчиси ҳаётда ўз ўрнини тополмаётган ёшларни "Ёшлар дафтари"га киришиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилишида бош-қош бўлмоқда.

Бизнинг "Чилтўғон" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ёшлар билан ишлашнинг янги ҳаёт шаклини механизми жорий этилган. Маҳалламизда йил бошидан буюн "Ёшлар дафтари"га киритилганларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини-ўзи банд қилиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар учун 70 миллион сўмга яқин субсидия ажратилди. Субсидия ажратишда уларнинг оиласи тўлиқ ўрганилди. Субсидия етти нафар турли касбдаги ёшларга ажратилган бўлиб, уларнинг оила аъзолари ҳам иш билан таъминланди.

Ҳозирда маҳалладаги Зиёда исмли тикувчи қиз "Ёшлар дафтари" орқали оғални тикув машинаси ва оверлоқ ёрдамида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди. Унинг онаси ва онаси ипдан қўғирчоқ тўқишди, Зиёда эса уларга кийимчалар тикади. Ҳозирда оила аъзолари ўз даромадига эга. Икки нафар профессионал ва олий таълим муассасаси ўқувчи ҳамда талабасига тўлов-контракт суммасининг ярми қоплаб берилди. Яна икки нафар талаба ёшнинг контракт суммасининг бир қисми қоплаб берилиш жараёнида. Икки нафар ёшнинг касб-хўна резерви хизмати бадали "Ёшлар дафтари"дан тўлиқ қоплаб берилди. Шунингдек, маҳалладаги иқтисодий қийинчиликка юз тутган ёшларнинг икки нафарига автомобилотранспорт воситаларини хайдовчиларини тайёрлаш курси харажатларининг бир қисми қоплаб берилди. Унлаб ёшларга юридик маслаҳат ва маънавий ёрдам берилмоқда. Маҳалладаги истеъодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомилик асосида икки нафар ёшга спорт анжумлари олиб берилди.

Маҳалла ҳудудидagi таъмирталаб аҳволга тушиб қолган футбол майдончаси туман сектор раҳбарлари ёрдамида тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Майдон универсаллаштирилиб, ҳозирда спортнинг волейбол тури бўйича машғуллар ўтказилапти. Қолаверса, ўттизга яқин ёшнинг бандлиги таъминланди, ундан зиёд ёшга уч ойлик ўқув курсларига бепул йўланма берилди, қўллаб-қувватлаш ҳомилик ёрдамида турли хил уйинчоқлар ва озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

"Беш ташаббус" олимпиадаси доирасида юзлаб янги истеъодлар кашф этилди. Ҳар бир кўчада спортнинг футбол, волейбол турлари бўйича жамоалар шакллантирилган. Республикада кўзга кўринган иждоқорлар, жумладан, таниқли журналист, шоирлар, актёрлар билан иждоий учрашувлар, давра суҳбатлари ҳам тез-тез ўтказилмоқда. Бу учрашувлар маҳалламиз ёшларида унутилмас таассуротлар қолдирмоқда.

Ёшлар камолоти, манфаати, ёруғ иқболи, бахту саодати – Янги Ўзбекистон келажакни барпо этишдек улғувроқ мақсадимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлагандек, ёшлар Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасидир. Зеро, эътибор бор жойда ўсиш, ўзгариш бўлади. Агар бизда ҳар қанча иқтидор бўлмасин, у қўллаб-қувватланмаса, сайқал топмайди.



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир хайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қўдратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқуллова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Узсанокатурилишматериаллари»
уюмаси, «УзГАСКЛИТИ» ДУК,
«УзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидега 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-943.
1858 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – Р. Хўжаева.

ЎЗА якуни – 02.45.
Топширилади – 03.20.